

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ҲУСУСИДА

Мохира Холиқова,
“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти
катта илмий ходими,
фалсафа доктори, доцент

*Бизга яхши оналарни беринглар,
биз яхши одамлар бўлиб етишамиз.*
Жан Поль

Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир.
Оноре де Бальзак


*Ҳар бир давлатнинг маънавий тараққиёти
аёлга бўлган эътибор билан ўлчанади.*
Вильгельм Гумбольдт

Ота-оналар ва жамиятнинг ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги бурчи уларни никоҳлаб қўйиш билан чекланмайди. Балки ёшларга никоҳ, оила, оилада шахслараро муносабатлар, оила тутиш сирлари, эр-хотинлик муносабатлари каби нарсаларни ўргатиш ҳам зарур.

Афсуски, кўпчилик ёшлар оила, эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда бурч ва масъулиятлари ҳақидаги миллий-маънавий таълимотлар ва анъналардан беҳабар ҳолда оилавий ҳаётга кадам қўядилар.

Миллий кадриятларда аёл доимо эркак кишига дўст, ёр, оқила, меҳрибон, оилавий тинчликнинг раҳнамоси сифатида улуғланган.

Аёл оилага файз бағишловчи фаришта тимсолига айланган.



Ислом дини аёл шаънини улуғлайди.

Қуръони каримда аёллар ҳақида алоҳида **“Нисо”**(Аёллар) сураси келган.

Сарвари олам Муҳаммад с.а.в. аёл номини улуғлаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқини белгилаб беришда бутун инсониятга ибрат бўлди. У Зот **“Жаннат – оналар оёғи остидадир”**, – деб марҳамат қилганлар.

Ота-онани ризолигини олиш борасида: **“Аллоҳ таолонинг рози бўлиши ота-онанинг рози бўлишига ва Аллоҳнинг газаби ҳам ота-онанинг газабига боғлиқдир”** дея буюрдилар (Имом Бухорий ривояти).

Қадриятларимизда ёшларни, хусусан, қиз фарзандни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг гўзал намуналарини кўрамиз.

Саҳоба Анас ибн Молик (р.а.): *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам янги келинларга эрининг ҳурматини ва хизматини қилишига буюрар эдилар», – деганлар.*

Миллий меросимизда катталар, хусусан, ота-оналарнинг ёш келин-куёвларга оилавий турмуш ҳақида панд-насихат қилишлари, ҳаётий тажрибаларни сўзлашлари одат тусига кириб қолган. Араб қавмларига мансуб Амома бинти Ҳорис исмли аёл қизининг келин бўлиб, куёвнинг уйига узатилишидан олдин саодатли оила асосларини баён қилувчи кўйидаги насихатларни қилиб, кузатган экан:

- ✓ *«Эй қизгинам! Агар фазл ва одоб аҳлига насихат керак бўлмаганида, сенга ҳам насихат қилмасдим. Лекин насихат – гофилга эслатма, оқилга ёрдамдир.*
- ✓ *Қизгинам! Энди сен ўзинг ўсган ҳаводан айрилдинг. Ўзинг яйраб-яшнаган ошёндан чиқдинг ва нотаниши жойга бориб, аввал ўзинг билмаган шерикка учрайсан. У энди сенинг хожанг, дўстинг ва маҳбубингдир.*
- ✓ *Сен унга чўри бўлсанг, у сенга қул бўлади. Сен унга ер бўлсанг, у сенга осмон бўлади.*
- ✓ *Сен унинг учун қўйидаги хислатларни адо этсанг, оилада фаровон, масъуд ва бахтиёр ҳаёт кечирасизлар:*



- ✓ Қаноат соҳибаси бўл, ундан ҳайиқиб тур. Эринг уйга нима кўтариб келса, хушфеъллик ва одоб-назокат билан қабул қилиб ол, ташаккур айт.
- ✓ Эрингнинг назари тушадиган жойларга эътибор қил. У сенда хунуклик кўрмасин.
- ✓ Уй ичи ва ҳовлини ниҳоятда озода ва тартибли тут.
- ✓ Эрингга ҳамиша итоатда бўл, амрларини яхшилаб тингла ва бажар.
- ✓ Эрингнинг бурнига хушёр бўл. Димоғига сендан ёмон ҳид кирмасин, фақат хушбўйлик сезсин.
- ✓ Овқатни вақтида тайёрла, асло кечиктирма. Эринг уйга келиши билан, дастурхон сол.
- ✓ Унинг уйқу вақтини, уйғониш пайтини билиб ол. Чунки очлик ва уйқунинг бузилиши эркакларнинг газабини қўзғайди.
- ✓ Хожангнинг моли ва ашёсига эътиборли бўл, исроф қилма, авайлаб асра! Чунки унинг мол-дунёси сеникидир.
- ✓ Эрингнинг қариндоши ва яқинларини иззат-ҳурмат қил. Бу билан хожангни ҳурмат қилган бўласан.
- ✓ Эрингнинг сирларини бошқаларга айтувчи бўлма, унинг ишончини йўқотасан.
- ✓ Хожангнинг амрига осий бўлма, унинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил. Шунини яхши билиб олки, хожанг хафа бўлганда хурсанд кўринишдан, у қувонган пайтда гамгин бўлишдан сақлан!».


Соҳибқирон ва буюк саркарда **Амир Темур** ҳам оила қуриш масалаларига давлат юмушларидек жуда жиддий эътибор берган.

Хусусан, ўз **“Тузуқлар”**ида келин танлаш ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишининг насл-насабини, етти пушитини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлигини, жисмоний камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин тушурдим».



Улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг оилавий муносабатлар масалаларига оид қарашлари акс этган «Тадбири манозил» асарида аёлларнинг яхши хулқли бўлиши хусусида қуйидагилар таъкидланади:

- ❖ билимли бўлсин;
- ❖ эътиқодли бўлсин;
- ❖ уятчан, шарм-ҳаёли бўлсин;
- ❖ табиатан жасур бўлсин;
- ❖ эрини қаттиқ севсин;
- ❖ тугиши ва бола тарбияси ҳақида ўйласин;
- ❖ эзма бўлмасин;
- ❖ ўз эрига бўйсунсин;
- ❖ тўғри, камтар ва фаросатли бўлсин;
- ❖ ҳеч қачон ўз шаънига доғ туширмасин;
- ❖ хотин оила хўжалигидаги нарсалардан тўғри, тежаб фойдаланишни қилсин;
- ❖ ўз табиати ва яхши томонлари билан эридаги камчиликларни йўқотсин;
- ❖ эри билан эҳтиёт бўлиб, унинг ҳурматини жойига қўйиб, хушмуомала бўлиши шарт;
- ❖ ўз вазифасини ва бурчини яхши билсин.



Абу Райҳон Беруний ўз қарашларида оила тинчи бевосита оқила, ақлли, фаросатли, тарбияли аёллар қўлида эканлигига алоҳида аҳамият қаратган.

Ўзининг «**Минерология**» асарида оила қураётган кизларга ота-онанинг насиҳатларини келтириб, оиладаги тинчлик-тотувлик, бахтиёрлик кўпрок аёллар зиммасига тушишини таъкидлайди ва шундай ёзади:

«Эй қизим! Сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Бўлажак кўвингнинг ҳамма ҳислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифобахш ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру шафқати билан сени хушнуд этади. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзларгина эшитсин, ярамайдиган ёки эски либосда ёки юзларингга оро берилмаган ва сочларинг тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма».

Буюк аллома Алишер Навоийнинг муҳаббат, вафо, эр-хотин муносабатлари, бурчлари, аёллар фазилати, уларнинг оилада тутган ўрни ҳақидаги қарашлари беқиёсдир.

«**Маҳбуб-ул-қулуб**» асарининг «**Уйланиш ва хотинлар тўғрисидаги**» фаслида мутафаккир уйланиш ва унинг фойдаси, оила одоби ва оилада аёлларнинг фазилатлари ҳақида ажойиб фикрларни баён этган.

Навоий аёлнинг турмушдаги ҳиссасига қуйидагича тўхталади:

*«**Яхши хотин - оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг ҳотиржам ва осойишталиги ундан. Хуснли бўлса - кўнгил ёзиги, хушмуомала бўлса - жон озигидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради**».*

XX асрнинг бошида яшаб ижод этган турк олими **Ризоуддин ибн Фаҳруддиннинг «Оила»** асарида одоб-ахлоқ, оила ва никоҳ, оиладаги ўзаро муносабатлар, ота-онанинг вазифалари, фарзандлар бурчи, бола тарбиясидаги аёлнинг роли, аёлларнинг умумий вазифаси, уйлантиришда ота-онанинг вазифалари хусусида ғоятда ибратли маслаҳатлар ва тавсиялар берилган.

Олим мазкур асарда уйланиш ва хотинлар вазифаси борасида қуйидагиларни таъкидлайди:

«... уйланиш масаласини ислом шариати буюк нарсалардан деб билиб, оила тузишни мамлакат ташкил қилиш қадар керакли ҳисоблаб, бу борада бир қанча низомлар ҳам чиққанлиги маълум. Оила учун чиққан низомларни, бир кун келиб, вақти етганда амал этувчилар ўз оилаларини кўркам равишда тузар ва ниҳоят, ушбу кичкина мамлакатни идора қила олурлар.

Шу сабабдан, умрларини роҳат билан кечирिशар ва умрларидан қолган саноқли соатлари барокатли булур. Хотунлари тарбияли бўлган халқ - тарбияли-ю, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ - бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир».

Фарзандларни оилавий ҳаётга тайёрлашда миллий анъаналар, аждодларимизнинг маънавий мероси буюк ҳаёт мактаби ва дастурамалдир.